

Abdulla Avloniyning Ta'lim-Tarbiya Haqidagi Ta'limoti va Tarbiya Yo'nalishlari To'g'risidagi Fikrlari

Shoira Abdumajidovna Abduljalilova¹, Umaraliyev Humoyun²

Аннотация: мақолада Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари ахлоқий ва таълимий-тарбиявий томонидан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, илм, ахлоқ, миллий, комил, инсон, онг, тафаккур, маърифат, ғазаб, шахват, адоват, ҳақорат, ҳасад, таъма, зулм.

Таниқли ўзбек педагоги ва олими Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида унинг 1913 йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи бор нашр қилинган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир. Бу асар мазмун томонидан муаллифнинг бошқа ижтимоий ва педагогик асарлари билан узвий боғлиқдир. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий тарбиявий асардир. Асарда инсонларни «яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи» илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатдан қараганда бу асар Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома», Носир Хусравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Бахористон», Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб», Аҳмад Донишнинг «Фарзандларга васият»,

Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир. Шуни таъкидлаш лозимки, XX аср бошларида бундай асарни яратиш, миллий ғоя, миллий рух сингдирилган таълим-тарбиявий ишларнинг татбиқ этилиши педагогика оламидаги йирик кашфиётдир.

Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб «Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, Аллоҳу ақбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ, ердан туриб юлдузларга қўл узатмоқ кабудур», - дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар катта аҳамиятга эга.

Ўзбек педагогикаси тарихида Абдулла Авлоний биринчи марта педагогикага «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдир», деб таъриф берди. Табиий, бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради. Абдулла Авлоний кўплаб хорижий тилларни билган, араб, форс, рус, озарбойжон тилларини мукамал эгаллаган.

Шарқ халқлари илмий меросини "Чуқур ўрганганлиги «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобини яратишда, ўзбек ва тожик адабиёти классикларининг асарларидан ижодий фойдаланиш имконини берди. У мазкур асарни «ёзишда халқ педагогикасидан ўринли фойдаланиб, асарни 64 бобдан иборат тарзда баён этди. Ҳар бир боб ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, таълим тарбия масалаларини ёритишда бири иккинчисини узвий тўлдиради ва такомиллаштиради. Муаллифнинг хизмати шундаки, у мазкур асарни ёзишда ҳар бир бобнинг мақсад-вазифаларини илмий, услубий жиҳатдан асослаб, содда ва раван тил билан ўқувчиларга тушунарли ҳолда баён эта билди. Буни биз асарнинг асосий ғояси, йўналишлари, тарбия турлари ҳақида баён этган фикр-мулоҳазаларида кўраимиз.

¹ Chirchiq davlat pedagogika instituti , p.f.n. dotsent

² Chirchiq davlat pedagogika institute, Gumanitar fanlar fakulteti talabasi

Дархакикат, Абдулла Авлоний тарбиядаги асосий ғоя, бу бизлар учун: «Ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир» дея мушоҳада қилиши, унинг тарбия соҳасида жуда катта ва кенг билимга эга эканлиги, комил инсонни тарбиялашда таълим-тарбиянинг ҳар бир йўналишига эътибор бериш кераклигини, онг ва тафаккурни, илмий дунёқарашни шакллантиришда тарбия катта рол ўйнашини моҳирона ифодалаи билиши, таҳсинга лойиқдир.

Бу ғоя ўз навбатида ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, инсонпарварлик, одамийлик, олижаноблилик, меҳнатсеварлик, ифбатли, Меҳр-оқибатли, интизомли, адолатпарвар, миллат ғурурини эъозловчи, улуг аждодларимиз анъаналари ва илмий меросларини кўзқорачиғидай асраш, ахлоқи пок инсон бўлиб етишиш борасидаги асосий мезон ҳисобланади.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун канчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир», - дея илгари сурган фикр ва мулоҳазалари Абдулла Авлоний ижодига берилган катта баҳодир. Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараккий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, шу боис Абдулла Авлоний бола тарбиясига катта эътибор билан қараб, ўзбек зиёлилар орасида биринчи бўлиб, таълим-тарбия ҳақидаги таълимотни, тарбия йўналишларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этди.

Биз буни куйидаги чизмада ҳам кўришимиз мумкин. Абдулла Авлонийнинг таълим-тарбия ҳақидаги таълимоти Асосий ғоя: "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат ё саодат, ё фалокат масаласидур".

Демак, Абдулла Авлоний, юқорида таъкидлаганимиздек, бола тарбиясини нисбий равишда тўрт бўлимга ажратади:

1. «Тарбиянинг замони».
2. «Бадан тарбияси».
3. «Фикр тарбияси».
4. «Ахлоқ тарбияси» ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади.

У «Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни ёшлиқдан бериш зарурлигини, бу ишга ҳаммани: ота-она, муаллим, ҳукумат, жамоатчилик ва бошқаларнинг киритиши кераклигини таъкидлайди. И.А.Каримов ўз асарларида шундай фикрлайдилар: «Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси» .

Муаллиф тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб, умрнинг охирига қадар давом этади, - дейди. У бир қанча босқичдан - уй, боғча, мактаб ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган деб, тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлигини уқтиради.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли Авлоний бадан тарбияси масаласида болани соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, болани фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятларига алоҳида эътибор беради.

Айни замонда муаллиф таълим ва тарбия узвий боғлиқ эканини ҳам таъкидлайди: «Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабудур» - дейди.

Авлоний фикрича, инсон бутун борликнинг кўрки ва шарафидир. Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча махлуқотлардан афзалдир. Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак, чунки инсон уни соҳибидир дейди.

Дархакикат, асарда келтирилган йигирмадан зиёд сарлавҳа остида баён этилган, яъни ғазаб, шахват, адоват, ҳақорат, ҳасад, таъма, зулм каби ёмон хислатлардан тийилиш, уларнинг зарарли оқибатлари ҳақида мушоҳада юритиш, кишини ёмон йўлдан асрашга, ғафлат уйқусидан уйғонишга, миллий ғурури, ўзлигини англашга, онгли, диёнатли, саҳоватли, маърифатли инсон бўлиб шаклланишига замин деган фикр илгари сурилади.

Биз юқорида мушоҳада қилганимиздек, асарни таълимий-тарбиявий аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Чунки асар ёзилганига сал кам бир аср бўлсада, ўз қимматини йўқотмади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик-миллий ғоямизнинг асосий пойдеворидир. - Тошкент., 2021
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент.// “Ma`naviyat”-2008. 62-бет.
3. Мардонов Ш.Қ. Педагогика фанидан электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси. -Т.: “Ишончли ҳамкор”. 2021, 54-60б.
4. Рысюкова Ю.В., Закирова Ф.М. Научно-методическая web –деятельность и ее формирование у студентов направления «Профессиональное образование». Методические указания. - Ташкент: Алокачи, 2012. с-56.
5. Abdusalilova Sh. “The Concept of Pedagogical Education in the Family in the Work of Abdurauf Fitrat”. p-ISSN: 26153785 I Volume 5, Issue 1, Jan 2022
6. O'qituvchining shaxsiyati pedagogik aloqa samaradorligining omili sifatida. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali 9-son 20.06.2022 173-177 б.